
ОЛТИАРИҚ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Олтиариқ тумани Янгиқўрғон ММТП худудидаги "Янгиқўрғон кўрки саховати" фермер хўжалиги бу йилги пахта етиштириш ва топшириш режасини барвақт бажарди.

62 гектар ер майдонида деҳқончилик қилаётган фермер хўжалиги меҳнаткашлари жорий йил учун 21 гектар ерга сара чигит қадаганлар. Хўжалик ишчилари Мухбиржон Қосимов сувчи ва механизаторлар Сайдулло ҳамда Акрамжонлар билан эрта бахордан ғўза ниҳолларини агротехник талаблар асосида парваришладилар.

85 фоиз пишиб, очилган пахтани сифатли териб олишда хўжаликнинг 22 нафар аъзоларига Беглар МФЙда яшовчи аҳоли вакиллари ҳам яқиндан ёрдам беришди. Айниқса, Гулбахор Зиётова, Нозахон Қосимовалар ҳар куни 150-170 килограмдан пахта териб, мўмай даромад ҳам қилмоқдалар. Улар ёдами билан ўн кун мобайнида 74 тонна пахта териб олиниб, режа 105 фоизга бажарилди.

Фермер хўжалиги меҳнаткашларини эришилган натижа билан қутлаш учун туман ҳокими Ш. Турдалиев совға-саломлар билан ташриф буюрди. Илғорларга миннатдорчилик билдириб, рағбатлантирилди. Пешқадам фермер Эркинжон Ориповга чопон кийдириб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Пахтакорлар етиштирилган ҳосилнинг қолган қисмини ҳам териб олиб, ҳосилдорликни 45 центрердан орттириш учун бел боғладилар.

Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 27 гектар майдонга бошоқли дон экиш учун ҳам агротехник тадбирларни бошлаб юборишган.

2022-09-12 11:54:43